



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ВА
ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

**ТИББИЙ АНЖОМ-АСБОБЛАР ВА БУЮМЛАРНИ СТЕРИЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ
САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ**

ЎзР СанҚваМ № 0365-19

Расмий нашр

Тошкент – 2019й.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ВА
ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат санитария врачлари в.б.
_____ Б.К.ЮСУПАЛИЕВ
2019 й. «_14_» май**

**ТИББИЙ АСБОБ-АНЖОМЛАР ВА БУЮМЛАРНИ СТЕРИЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ МАРКАЗЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ
САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ**

ЎзР СанҚваМ № 0365-19

Расмий нашр

Тошкент – 2019 й.

ТУЗУВЧИЛАР:

- Аллаберганова Н.М. - ЎзР ССВ Республика ДСЭНМ ДПМ назорат қилиш бўлими мудири
- Мирзабаев Д.С. - ЎзР ССВ Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи, т.ф.н.
- Саидалиев С.С. - Ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори, т.ф.н.
- Кучқарова М.Р. - ЎзР. ССВ Санитария-гигиена ва касб касалликлари ИТИ аҳоли жойлари, тураржой ва жамоат бинолари гигиенаси лабораторияси мудири, т.ф.н., катта илмий ходим
- Сотволдиев С.Ю. - Тошкент шаҳар ДСЭНМ ДПМ назорат қилиш бўлими врач-эпидемиологи
- Курбанов Б.Ж. - ЎзР ССВ Республика ДСЭНМ бош врачлари ўринбосари, тиббиёт бўйича фалсафа доктори

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- Атабеков Н.С. - Ўз.Р. ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ директори, т.ф.д.
- Зарединов Д.А. - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., проф.
- Искандарова Г.Т. - Тошкент врачлар малакасини институтининг тиббий профилактика факультети декани, эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.д., проф.

Мазкур санитария қоидалари ва меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Инсон атроф муҳитининг салбий омилларини гигиеник регламентация қилиш қўмитасининг йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. (2018 йил “_28_” декабрдаги 6 - сонли баённома)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилган (2019 йил “ 10 майдаги 6-21/3-6/7768 - сонли хат)

Санитария қоидалари, меъёри ва гигиеник нормативларга риоя қилмаслик қонун томонидан таъқиб қилинади.

Мазкур санитария қоидалари ва меъёрлари, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар, барча даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек лойиҳа, қурилиш ташкилотлари ҳамда тиббий асбоблар ва буюмларни стерилизация қилиш марказлари учун ер участкаларини танлаш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш ва эксплуатация қилиш учун масъул бошқа ташкилотлар томонидан риоя этиш учун мажбурийдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДАН КЎЧИРМА

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ги Қонуни (2015й., 20, 21, 30, 39-моддалар).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги қонуни (1996й., 3, 13, 34-моддалар).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни (1991й.).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонуни (1996й., 4, 11, 21, 22-моддалар).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Қонуни (2009й., 8, 40, 41-моддалар).

Атамалар ва таърифлар

Касалхона ичи инфекцияси – беморнинг диагностика ва даволаш мақсадида даволаш-профилактика муассасасига ётқизилиши ёки мурожаат қилиши натижасида келиб чиқадиган микроб этиологияли ҳар қандай клиник ифодаланган касалликдир. Ходимларнинг касбий фаолияти натижасида юқтирган касалликлари ҳам шифохона ичи инфекциясига киради.

Ҳаво стерилизатори – тиббий асбоб-анжомларни иссиқ ҳаво ёрдамида стерилизация қилишга мўлжалланган махсус ускуна.

Мукаммал тозалаш – хоналарни (барча юзалар, мебель ва ускуналар) дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида артиш ва/ёки ювиш ва ҳавони зарарсизлантириш билан ўтказиладиган намли тозалаш усулидир.

Қўлларга гигиеник ишлов бериш – ювувчи ёки антисептик воситани қўллаш билан тиббиёт ходимлари қўллари кафтлари терисидан транзитор микрофлора ва бошқа ифлосланишларни йўқотиш бўйича услублар йиғиндиси.

Дезинфекция – юқумли ва паразитар касалликлар қўзғатувчиларини йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси.

Юқори даражали дезинфекция – бактериялар, вируслар ва спораларни йўқотадиган дезинфекция туридир.

Ўрта даражали дезинфекция – споралардан ташқари, бактериялар, вируслар, замбуруғлар, сил микобактерияларини йўқотадиган, лекин спораларга таъсир қилмайдиган дезинфекция туридир.

Паст даражали дезинфекция – бактериялар, баъзи бир замбуруғлар, вирусларни йўқотишга, лекин сил микобактериялари каби қўзғатувчиларга чидамли бактериялар таъсир қилмайдиган дезинфекция қилиш туридир.

Дезинфекция воситалари – юқумли ва паразитар касалликларни олдини олиш ва улар билан курашиш учун қўлланиладиган уларни ташувчилари ва қўзғатувчиларини нобуд бўлишига олиб келувчи дезинфекция, стерилизация, дезинсекция, дератизация воситалари.

Деконтаминация – юқумли, органик агентлардан билан ифлосланишдан тозалаш.

Кварилаш – ультрабинафша нурлари билан таъсир қилиш йўли билан ҳавони зарарсизлантириш.

Колонизация – юқумли касалликлар клиник белгилари ва тўқималарни зарарланиши кузатилмаган ҳолда хўжайин организми юзаси ва бўшлиқларида микроорганизмларнинг кўпайиши ва тарқалиши.

Контаминация – меъёрда стерил (тоза) тўқима ва бўшлиқларга юқумли, органик ва кимёвий агентларни ёки материалларни тушиши.

Табиий ёритиш коэффициенти – иш жойидаги табиий ёритиш даражасининг шу пайтда ташқаридаги очиқ жойда ўлчанган ёритилганликка фоизли нисбати.

Ҳаво алмашинуви курси – берилаётган (чиқариб юборилаётган) ҳавонинг ушбу хона ҳажмига вақт бирлигидаги нисбати.

Критик асбоблар – тананинг қон оқими ва стерил тўқималарига киритиладиган асбоблар бўлиб, ушбу жарроҳлик асбоблари, юрак ички

катетерлари, сунъий қон айланиши аппарати ва диализаторлар қисмларидир. Ушбу буюмларнинг ҳаммаси стерил бўлиши шарт.

Тери антисептиклари – кўзгатувчиларнинг терига кириши ва кўпайишини бартараф этувчи микробларга қарши воситалардир.

Тиббий буюмлар – даволаш муассасаларида диагностика ва даволаш муолажаларини ўтказиш учун ишлатишга мўлжалланган металл, шиша, резина, латекс, полимер ва бошқа материаллардан тайёрланган буюмлар.

Манометр – суюқлик ва газ босимини ўлчаш учун асбоби.

Буғли стерилизатор (автоклав) – тиббий буюмларни стерилизация қилиш учун махсус ускуна бўлиб, унда стерилловчи агент юқори босим остидаги сув буғи бўлиб ҳисобланади.

Ярим критик асбоблар – тери ва шиллик қаватларни зарарламайдиган, лекин, уларга бевосита тегадиган асбоблар ва мосламалар бўлиб, буларга эгилувчан ва қаттиқ эндоскоплар, эндотрахеал трубкалар, нафас олиш контурлари киради. Ушбу тоифадаги асбоблар ювилгандан ва чуқур дезинфекция қилингандан кейин бемор учун хавфсиз бўлади. Улар юқори хавф тоифасига киради.

Стерилизация олди тозалов ишлари – тиббий буюмларни стерилизация қилишдан олдин улардаги оксилл ёғ ва механик ифлосланишларни бартараф этиш учун тозалаш усули.

Профилактик дезинфекция (дезинсекция, дератизация) – турли объектларнинг микроблар билан контаминациясини, бўғимоёқлилар ва кемирувчилар сонини камайтириш учун дезинфекцияловчи тадбирлар комплекси бўлиб, бу тадбирлар юқумли ва паразитар касалликлар бўлмаса ҳам уларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида олиб борилади.

Питтинг (нуқтали) коррозия – фақат пассив металллар ва қотишмаларда юз берадиган коррозив емирилиш тури. Питтинг коррозия никелли, цирконийли, хром-никелли, хромли, алюминийли қотишмалар ва бошқаларда кузатилади. Питтинг коррозияда юзадаги фақат алоҳида участкалар емирилади, уларда чуқур зарарланиш – питтинглар ҳосил бўлади.

Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилиш – тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар устидаги (ичидаги) барча турдаги, шу жумладан спора ҳосил қилувчи микроорганизмларни йўқ қилиш (ўлдириш).

Стерилизацияловчи восита – стерилизацияловчи агент ёки таъсир қилувчи моддаси бўлган физикавий ёки кимёвий восита.

Стерилизация маркази - тиббий асбоб-анжомлар ёки тиббий мақсадларда ишлатиладиган буюмларни (жарроҳлик асбоблари, чойшаблар, боғловчи материаллаи ва бошқалар) марказлаштирилган тарзда стерилизация қилиш амалга оширувчи, шунингдек мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар, даволаш-профилактика муассасаларининг барча бўлинмаларини стерил материаллар ва буюмлар билан таъминлайдиган муассаса.

Стерилизация контейнери (бикси) – тиббий мақсадлардаги материаллар ва асбоб-ускуналарни буғли стерилизаторлар (автоклавлар)да стерилизация қилиш ҳамда уларни операция ва боғлаш хоналарида сақлаш учун мўлжалланган металл кути.

Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилиш марказларини ташкил қилишга бўлган умумий талаблар

I. Қўллаш соҳаси

1.1. Санитария қоидалари ва меъёрлари (кейинги ўринларда санитария қоидалари) тиббий асбоб-анжомлар, буюмларни стерилизация қилиш марказларини (кейинги ўринларда стерилизация марказлари) жойлаштириш, қуриш, жиҳозлаш ва шунингдек уларда эпидемияга қарши чора-тадбирларни белгилайди.

1.2. Ушбу санитария қоидалари мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар, барча қурилаётган, қайта қурилаётган стерилизация марказлари (кейинги ўринларда стерилизация марказлари) учун мўлжалланган.

1.3. Стерилизация марказларини лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш ушбу санитария қоидалардан ташқари амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳам инобатга олиниши керак.

1.4. Санитария қоидалари, ўз ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, стерилизация марказлари шунингдек тиббий фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар учун мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажариш учун мажбурийдир.

1.5. Ушбу санитария қоидаларининг бажарилиш назорати Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органлар томонидан ўрнатилган тартибда олиб борилади.

1.6. Ушбу санитария қоидалари фаолияти лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш билан боғлиқ бўлган барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

II. Умумий қоидалар

2.1. Стерилизация маркази, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитидан қатъий назар, даволаш-профилактика муассасаларида ишлатиладиган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни ўз вақтида ва сифатли дезинфекция қилиш, стерилизация олди тозалов, стерилизация ва ташишни таъминловчи техник комплекс бўлиб ҳисобланади.

2.2. Стерилизация марказида тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни сифатли стерилизация қилиш учун барча шароитлар, яъни тиббий асбобларни самарали тозалаш, талабга жавоб берадиган ўраш материаллари ва стерилизация ускуналаридан фойдаланиш, уларни тўғри қадоқлаш, стерилизаторнинг тўғри тўлдирилиши, ҳар бир стерилизация циклига мос параметрларни қўллаш ва уларни назорат қилиш, стерилизация қилинган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни тўғри сақлаш, фойдаланиш ва транспортировка қилинишига риоя қилиниши керак.

2.3. Стерилизация маркази қуйидаги воситалар билан таъминланган бўлиши керак:

- тиббий асбоб-анжомларни ювувчи машиналар учун воситалар;
- асбоб-анжомларни ультратовуш тозалаш учун
- асбоб-анжомларни ва уларни юзалари учун воситалар;
- стерилизация олди тозалов ишлари ўтказиш учун воситалар.

2.4. Стерилизация маркази таркиби ва майдонлари зарарсизлантириш учун тушадиган тиббий асбоб-анжомлар сони ва ҳажмига боғлиқ.

2.5. Тиббий буюмларнинг кетма-кетлик қоидалари асосида ҳаракатини таъминлаш учун технологик ускуналар, шлюзлар ва санитария тозалов хоналаридан иборат қуйидаги зоналардан ташкил топган бўлиши керак:

- нотоза (грязная) зона;
- тоза зона;
- стерил зона;
- ёрдамчи хоналар.

2.6. Нотоза, тоза ва стерил зоналарни ажратиш ҳамда уларни қайта ифлосланиш эҳтимолини истисно этиш учун стерилизация маркази тўсиқ турдаги ювувчи-дезинфекцияловчи машиналар ҳамда стерилизаторлар ўрнатилиши керак.

2.7. Ҳар бир зона ўз хоналар йиғиндиси ва жиҳозлар тўпламига эга бўлиши лозим.

Нотоза зона:

Нотоза зона хоналарига тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар қабул қилиш, дезинфекция, стерилизация олди тозалов хоналари киради. Нотоза зона қуйидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланади:

- контейнерлар солинган аравачаларни ювиш учун сув ва дозаторлар ўрнатилган герметик кабина (деворга ўрнатилган душли панель);
- 2 та раковинали ўрнатилган ювиш столи;
- тиббий асбоб-анжомлар учун иш столи;
- тиббий асбоб-анжомлар учун аравача;
- тозалаш инвентарлари учун аравачалар;
- ультратовушли ювиш ускунаси;
- ҳаво пистолети билан таъминланган ювиш раковиналари;
- ювувчи ва дезинфекцияловчи воситаларни сақлаш учун жавон;
- заруратга қараб бошқа асбоб-ускуналар.

Тоза зона:

Тоза зонада тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация олди тозалов ишлари сифатини текшириш, саралаш, ва шунингдек уларни тўпламларга ажратиш, ўраш ва стерилизацияга тайёрлаш амалга оширилади.

Ушбу зона учун қуйидаги асбоб-ускуналар талаб этилади:

- сифимли сув иситгичлар (вертикал);
- асбобларни пуфлаш учун ҳаво пуркагичи;
- компьютер техникаси;
- тиббий асбоб-анжомларни дезинфекция қилиш, ювиш, синовдан ўтказиш ва қуриштириш учун тўсиқ турдаги ювувчи-дезинфекцияловчи машина (вошер)
- жарроҳлик асбоб-анжомларни қадоқлаш учун аппарат;

- стеллажлар;
- барьер типдаги газ формальдегидли стерилизатор;
- барьер типдаги В классга оид форвакуумли буғли стерилизатор (автоклав) комплектлари билан;
- тиббий асбоб-анжомлар учун намли тозалаш ва дезинфекцияга молик иш столи;
- намли тозалаш ва дезинфекция қилишга молик стуллар
- куритиш шкафи (зарурат бўлса);
- тиббий асбоб-анжомлар учун аравачалар;
- тозалаш инвентарлари учун аравачалар;
- қадокловчи козозлар учун аравачалар (зарурат бўлса);
- тоза хирургик чойшабларни ташиш учун мўлжалланган аравачалар;
- стерилизация лотоклари учун аравача-стеллажлар;
- контейнерлар учун аравача-стеллажлар;
- тиббий асбоб-анжомларни ўраш учун столлар;
- тиббий асбоб-анжомлардан яширин қон ва бошқа оқсилли қолдиқларини текшириш учун ёритувчи ускуна ўрнатилган лупа;
- чойшабларни ўраш пастки токчали марказий иш столлари;
- юувчи ва дезинфекцияловчи воситаларни сақлаш учун жавон;
- бошқа асбоб-ускуналар.

Стерил зона:

Стерил зона – бу асосан стерилизация қилинган материалларни сақлаш хоналаридир. Стерил зона тоза зонадан тўсиқ типдаги стерилизаторлар билан ажратилган бўлиши керак. Ушбу зонага санитария-тозалов хонаси орқали стерил кийим ва маскада кирилади.

Стерил зонада қуйидаги ускуналардан фойдаланилади:

- чанг ўтказмайдиган транспорт контейнерли аравачалар;
- баландлиги бўйича токчаларга ўрнатиладиган ажралувчи стеллажлар;
- ювиш инвентари учун аравача;
- стерилланган хирургик чойшабларини ташиш учун пўлатдан ишланган ва хромланган аравачалар;
- стерилланган контейнерларни жойлаштириш учун аравача-стеллаж;
- юувчи ва дезинфекцияловчи воситаларни сақлаш учун жавон;
- бошқа ускуналар.

2.8. Ҳар бир зонага ўтиш бактерицид тўсиқли шлюзлар орқали амалга оширилиши керак. Тоза ва стерил зоналарга душ, қўл ювиш учун раковина, махсус кийим сақлаш учун шкаф билан жиҳозланган санитария тозалов хонаси орқали ўтилади.

2.9. Стерил зонага ўтишда тиббиёт ходимлари душ қабул қилиши, қўлларга антисептик воситалар билан ишлов бериши, стерил кийим, яъни халат, қалпоқча, бахилалар ёки стерилизация ўтган пойабзал, ниқоб, қўлқоплар кийиши лозим.

2.10. Стерил зона учун кийимлар тўплами олдиндан тайёрланади, махсус кийимлар стерилизация индикатори ёпиштирилган герметик стерилизация

ўрамига жойлаштирилади. Стерилликнинг сақланиши муддатларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тўплам стерил зонада сақланиши шарти билан, бир нечта тўпламни (масалан, бир ҳафталик захирани) олдиндан тайёрлаб қўйиш мумкин.

2.11. Стериллаш маркази хоналарининг таркиби ва тавсия этиладиган майдони:

**Стерилизация маркази хоналарининг таркиби ва тавсия
этиладиган майдон**

№	Хоналарнинг номланиши	Хоналар майдонлари, м ²		
		Бир кунда стерилизация қилинадиган контейнерлар сони		
		2000 гача	2000-4000	4000 ва ундан ортиқ
Нотоза зона				
1.	Ностерил тиббий асбоб-анжомларни қабул қилиш хонаси	Камида 30	Камида 45	Камида 60
2.	Ювиш хонаси	Камида 30	Камида 45	Камида 60
4.	Кимёвий воситаларни сақлаш учун омбор	Камида 40	Камида 40	Камида 40
4.	Тозалаш инвентарларини сақлаш учун хона (нотоза зона)	Камида 7	Камида 7	Камида 7
5.	Нотоза зона санитария тозалов хонаси	Камида 10	Камида 10	Камида 10
Тоза зона				
6.	Тиббий асбоб-анжомларни ювиш хонаси	Камида 100	Камида 150	Камида 200
7.	Юмшоқ инвентарларни ўраш хонаси	Камида 100	Камида 150	Камида 200
8.	Юмшоқ инвентарларни ўраш хонаси	Камида 30	Камида 30	Камида 30
9.	Юмшоқ инвентарларни	Камида 30	Камида 40	Камида 50

	сақлаш хонаси			
10.	Тоза зона санитария тозалов хонаси	Камида 10	Камида 10	Камида 10
11.	Тозалаш инвентарларини сақлаш учун хона (тоза зона)	Камида 7	Камида 7	Камида 7
12.	Сан узел	Камида 7	Камида 7	Камида 7
	Стерил зона			
13.	Стерилизация хонаси	1 та стерилизаторга камида 15 ҳар бир қўшимча стерилизатор учун камида 5	1 та стерилизаторга камида 15 ҳар бир қўшимча стерилизатор учун камида 5	1 та стерилизаторга камида 15 ҳар бир қўшимча стерилизатор учун камида 5
14.	Экспедитор хонаси (тарқатиш хонаси)	Камида 30	Камида 30	Камида 30
15.	Экспедиция (стерил тиббий мақсаддаги буюмларни сақлаш учун)	Камида 40	Камида 60	Камида 100
16.	Стерил зона санитария тозалов хонаси	Камида 10	Камида 10	Камида 10
Умумий хоналар				
17.	Марказ мудир хонаси	30	30	30
18.	Ходимлар хонаси	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.
19.	Бухгалтер хонаси	≥12	≥12	≥12
20.	Эркаклар учун кийиниш хонаси	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.
21.	Аёллар учун кийиниш хонаси	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.	12 м.кв. ва ҳар бир қўшимча ходимга +6 м.кв.
22.	Эркаклар учун	Камида 6	Камида 6	Камида 6

	санузел			
23.	Аёллар учун санузел	Камида 6	Камида 6	Камида 6
24.	Аёллар учун ювиниш хонаси	Камида 7	Камида 7	Камида 7
25.	Эркаклар учун ювиниш хонаси	Камида 7	Камида 7	Камида 7

3. Хоналарни ички пардозлашга бўлган талаблар

3.1. Стерилизация марказлари хоналарнинг ички пардозлаш уларнинг функционал вазифасига қараб, мос келадиган материаллардан фойдаланилади.

3.2. Хоналар деворлари, пол ва шиплари юзаси силлиқ, нуқсонсиз, намли тозалаш ва дезинфекция воситалари билан зарарсизлантиришга чидамли бўлиши керак. Пардозлаш ишларида панель конструкциялардан фойдаланганда уларнинг юзалари ҳам силлиқ бўлиши керак.

3.3. Б тозалик синфлари хоналарнинг деворлари бутун баландлиги бўйлаб ва шип қопламаси силлиқ, нам ўтказмайдиган, ювувчи ва дезинфекцияловчи воситаларни қўллашга чидамли бўлиши керак.

3.4. Ювиниш хоналари, ишлатилган чойшабларни саралаш ва сақлаш, чиқиндиларни вақтинча сақлаш хоналарида пардозлаш ишларида намликка чидамли материаллардан фойдаланилади. Пол юзалари сув ўтказмайдиган материаллардан билан қопланади.

3.5. Раковина ва бошқа сан.техника жиҳозлари, шунингдек ишлатилганда деворларни ва тўсиқларни нам қилиши мумкин бўлган ускуналарни ўрнатиш жойларида девор ва тўсиқлар полдан камида 1,6 метр баландлик ва ускуна ва асбобдан 20 см кенгликда керамик плиткалар ёки бошқа намликка чидамли материаллари ишлатилиши керак.

3.6. Шипларни пардозлашда юзалари силлиқ ва намли тозалаш ва дезинфекция қилиш имконини таъминлайдиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади.

4. Сув таъминоти ва канализацияга бўлган талаблар

4.1. Барча янги ва қайта қурилиётган стерилизация марказлари марказлаштирилган сув таъминоти, канализация ва иссиқ сув таъминотига эга бўлиши керак. Ичимлик суви сифати санитария қоидалари талабларига мувофиқ жавоб бериши керак.

4.2. Янги ва қайта қуриладиган стерилизация марказлари учун иссиқ сув таъминоти тизимининг бузилиб қолиши ёки профилактик таъмирланиши ҳолатлари учун захира иссиқ сув таъминоти назарда тутилиши керак.

4.3. Ходимлар хоналари, кабинетлар, хожатхоналар ва бошқа ёрдамчи хоналар иссиқ ва совуқ сув таъминланган бўлиши керак.

4.4. Санитария-эпидемиология режими ва тиббиёт ходимларининг қўл гигиенасига риоя этилиши талаб қиладиган барча хоналарда тирсакли (контактсиз, педалли ва хоказо) раковиналар, дозаторли суюқ (антисептик)

совун ва антисептик эритмалари билан таъминланган бўлиши керак.

Ушбу талаблар санитария-тозалов хоналари ва санузелларда ҳам ўрнатилади.

4.5. Стерилизация марказлари тиббий асбоб-анжомларни стерилизация олди тозалов ўтказиш хоналарида қўл ювиш учун алоҳида раковина ўрнатилиши керак.

5. Табиий ва сунъий ёритишга талаблар

5.1. Ходимлар хоналари табиий ёруғлик билан таъминланган бўлиши керак.

5.2. Микроиклимнинг меъерий кўрсаткичлари ва мунтазам ҳаво алмашиниши таъминланганда табиий ёруғликсиз ёки сунъий ёритиш билан қуйидаги хоналарга рухсат этилади:

а) техник ва муҳандислик хоналари (иссиқлик пунктлари, насос, компрессор, вентиляция камералари, дистилляция хоналари, бинолардан фойдаланиш бўйича устахоналар, сервер хоналари);

б) ходимлар хоналари (ходимлар билан машғулот ўтказиш хоналари, конференция заллари, дам олиш, овқатланиш хоналари, кийиниш хоналари, ювиниш хоналари, санузел);

в) ёрдамчи хоналар (экспедиция, юклаш, архивлар, барча турдаги омборхоналар, тиббий чиқиндиларни зарарсизлантириш хоналари, санитария-тозалов хоналари, санитария хоналари);

5.3. Стерилизация марказларида табиий ва сунъий ёритилганлик даражаси санитария меъёрлари ва қоидаларига мос келиши керак.

5.4. Рекреациялар сифатида ишлатилаган йўлаклар ён ёки тор томондан табиий ёритилган бўлиши керак.

5.5. Сунъий ёритилганлик (умумий ва маҳаллий), ёруғлик манбаи, лампа тури ушбу санитария қоида ва меъёрларининг 1-иловасига мувофиқ қабул қилинади.

5.6. Шипга ўрнатиладиган умумий ёритиш чироқлари узлуксиз (ёпиқ) ёруғлик тарқатгичига эга бўлиши керак.

5.7. Компьютер техникаси билан жиҳозланган иш жойларида ёруғлик персонал электрон-ҳисоблаш машиналарига, ишларни ташкил қилишга бўлган гигиеник талаблар ҳамда амалдаги бошқа меъерий ҳужжатлар талаблари асосида олиб борилади.

6. Хоналарнинг иситилиши, вентиляцияси, микроиклими ва ҳаво муҳитига талаблар

6.1. Хоналар ҳавосини иситиш, вентиляция ва кондиционерлаш тизимлари хоналардаги микроиклимнинг ва ҳаво муҳитининг нормал параметрларини таъминлаши лозим. (2-илова).

6.2. Иситиш ускуналари чанг сўрилмайдиган, ювувчи ва дезинфекцияловчи воситалари таъсирига чидамли ва силлиқ юзага эга бўлиши керак.

6.3. Марказий иситиш тизимларида иссиқлик ташувчи сифатида иситиш асбобларида 70-85°C ҳароратдаги сувдан фойдаланилади. Иситиш тизимларида бошқа суюқликлар ва эритмалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

6.4. Маҳаллий иситиш манбаидан ушбу манбага санитария-эпидемиология хулосаси бўлганда фойдаланиш мумкин.

6.5. Стерилизация маркази бинолари механик ва/ёки табиий ишга тушириладиган кирувчи-тортувчи вентиляция тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

6.6. Механик кирувчи-тортувчи вентиляция тизимлари паспортлаштирилган бўлиши керак. Механик кирувчи-тортувчи вентиляция ва кондиционерлаш тизимларидан фойдаланиш (хизмат кўрсатиш) ташкилотнинг масъул шахси ёки бошқа ихтисослаштирилган ташкилот томонидан амалга оширилади. Механик вентиляция ва кондиционерлаш тизимларининг ишлаш самарадорлигини текшириш йилига 1 марта текшириш, жорий таъмирлаш (зарурат бўлганда), шунингдек тозалаш ва дезинфекция ишлари амалга оширилади.

6.7. Вентиляция тизимларидан фойдаланганда шовқин ва тебранишга бўлган талаблар инобатга олиниши керак.

6.8. Асептик хоналарда ҳавонининг кириши унинг сўрилишидан юқори бўлиши керак.

6.9. Хоналарнинг тозалик синфлари, ҳаво муҳитида бактериялар билан ифлосланиш даражаси, ҳарорат ва ҳаво алмашинуви ушбу санитария қоида ва меъёрларининг 2-иловага мувофиқ қабул қилинади.

6.10. Вентиляция тизимларини лойиҳалаштиришда ва уларни эксплуатация қилишда ҳаво массаларининг “нотоза” хоналардан “тоза” хоналарга ўтишини истисно этиши керак.

6.11. Ҳаво алмашинувининг даврийлиги ҳаво ҳарорати ва намлигини таъминлаш бўйича ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Тозалик даражаси бўйича Б синфга оид мансуб хоналарда нисбий намлик 60 фоиздан ошмаслиги керак.

Хоналардаги ҳарорат ва ҳаво алмашинувини ташкил қилиш 1-иловага мувофиқ қабул қилинади.

6.12. Барча хоналарга ҳаво юқори зонага узатилади. Ҳавони юқори зонадан чиқариш назарда тутилади, бунда ҳаво иккита зонадан чиқарилади: 40 фоизи – юқори зонадан ва 60 фоизи – пастки зонадан (полдан 30-60см юқори).

6.13. Беркитувчи мосламалар (шу жумладан тескари клапанлар) ҳавони рухсат этилмаган оқиб келишини истисно этиш учун кирувчи ва тортувчи вентиляция тизимларига ўрнатилиши керак.

6.14. Стерил зоналарда тортувчи вентиляция тизимларига ҳавони зарарсизлантириш мосламалари ёки нозик тозалаш филтрлари ўрнатилади.

6.15. Вентиляция ва кондиционерлаш тизимлари учун ташқи ҳаво пол юзасидан камида 2 м баландликдаги тоза зонадан тортилади. Олиб келувчи мосламалардан узатиладиган ташқи ҳаво кўпол ва нозик тозалаш филтрлари ёрдамида тозаланиши керак.

6.16. Б тозалик классига мансуб хоналарга узатиладиган ҳаво чиқиш жойида микроорганизмларнинг инактивацияси самарадорлиги камида

95 фоизга таъминланиши керак, шунингдек юқори самарали фильтрацияни таъминлайдиган қурилмалар (хепофилтрлар) ўрнатилади. Юқори тозалаш филтрлари йилига камида 2 марта алмаштирилиши ёки ушбу қурилма йўриқномаси асосида алмаштирилади.

6.17. Б тозалик синфига мансуб хоналарда ҳарорат ва намликни таъминлаш учун белгиланган тартибда ушбу мақсадлар учун рухсат берилган тизимлар ва ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳавони кондиционерлаш назарда тутилиши керак. Лойиҳалаштиришга мувофиқ В синфдаги хоналарни кондиционерлаш тизимлари билан жиҳозлаш мумкин.

6.18. Санузеллар учун алоҳида ҳавони сўриш мосламалари ўрнатилади.

6.19. Ходимлар кабинетлари, маъмурий ва ёрдамчи хоналарда комфорт ҳаво ҳароратини сақлаб туриш мақсадида филтрларни ҳамда иссиқлик алмаштириш камераларини ишлаб чиқарувчи тавсияларига мувофиқ, ҳар чорақда 1 марта тозалаш ва дезинфекция қилиш шarti билан, сплит-тизимлардан фойдаланишга рухсат этилади.

6.20. Ювиниш хоналари, санузеллар, нотоза зона хоналари, чиқиндиларни сақлаш хоналари, дезинфекция воситалари, реактивлар ва бошқа ўткир хидли моддаларни сақлаш омборларида уюшган оқим қурилмасисиз, механик ишга тушириладиган тортувчи вентиляция назарда тутилади.

6.21. Хоналардаги ҳаво муҳитида бактериал ифлосланиш даражалари, уларнинг функционал вазифаси ва тозалик синфидан келиб чиққан ҳолда ушбу санитария қоида ва меъёрларининг 2-илова асосида амалга оширилади.

6.22. Вентиляция тизимлари ускуналарини жойлаштириш учун кирувчи ва тортувчи тизимлар учун алоҳида ажратилган махсус хоналар берилиши керак. Каналли вентиляция ускунасини йўлакларда шип тагида ҳамда одамлар доим бўлмайдиган хоналарда жойлаштириш мумкин.

6.23. Кирувчи вентиляция ва кондиционерлашнинг ҳаво қувурлари ички юзаси сўрилмайдиган бўлиши ва хонага ҳаво тортувчи қувурларнинг ёки ҳимоя қопламаларининг материали заррачалари ажралишини истисно этиши лозим.

6.24. Ҳаво қувурлари, ҳаво тарқатувчи ва қабул қилувчи панжаралар, вентиляция камералари, вентиляция қурилмалари ва бошқа қурилмалар тоза тутилиши, механик зарарланмаган, емирилмаган, герметиклиги бузилмаган бўлиши керак. Вентиляция камералардан бошқа мақсадларда фойдаланиш таъқиқланади. Вентиляция камералар хоналари ҳар ойда камида 1 марта, ҳаво тортувчи шахталар эса ҳар ярим йилда камида 1 марта тозаланиши керак. Вентиляция тизимларига техник хизмат кўрсатиш, тозалаш бир йилда камида 1 марта, филтрларни алмаштириш эса ишлаб чиқарувчининг техник регламентларига мувофиқ амалга оширилади. Дезинфекция ишлари ҳар чорақда камида 1 марта ўтказилади. Жорий носозликлар, нуқсонлар дарҳол кечиктирмасдан бартараф этилиши керак.

6.25. Кирувчи ва сўрувчи панжаралар бир хона доирасида бир-биридан мумкин қадар узоқда бўлиши керак.

6.26. Хоналарнинг том қисми ва ертўлалар кемирувчилар ва бошқа синантроп ҳашаротлар тушишидан ҳимояланган бўлиши керак.

6.27. Стерилизация маркази маъмурияти томонидан микроиқлим

параметрлари ва ҳаво муҳитидаги микроблар тарқалганлиги кўрсаткичлари ҳар чорақда камида 1 марта, ҳаво муҳитининг кимёвий моддалар билан ифлосланганлиги эса ҳар 6 ойда камида бир марта назорат қилиниши керак.

6.28. Микроиқлим ва ҳаво тозалигининг норматив параметрларини таъминлаш учун ташқи ҳавони қўшилиши ҳисоб-китоб бўйича ва юқори самарадор филтёрларни ўрнатиш шарти билан бир хона учун ҳавони қайта айланишига рухсат берилади.

7. Тиббий асбоб-анжомлар йиғиш, ташиш, дезинфекция ва стерилизация қилишга бўлган талаблар

7.1. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни ташишга тайёрлаш

7.1.1. Тиббиёт асбоб-анжомлар ва буюмларни йиғиш ва ташиш ушбу мақсадлар учун алоҳида ажратилган транспорт воситалари ёрдамида ҳар куни иш вақтида, белгиланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

7.1.2. Ишлатилган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар стерилизация марказига транспортировка қилишдан олдин улар даволаш-профилактика муассасалари бўлимларида ишлатилгандан кейин дарҳол оқиб турган сувда чайилади.

7.1.3. Кейинги босқичда ишлатилган тиббий асбоб-анжомлар олдиндан зарарсизлантирилмасдан қопқоқ билан ёпиладиган пластмасса идишларга йиғилади ва даволаш-профилактика муассасаси тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни вақтинчалик сақлаш хонасига топширилади.

7.1.4. ДПМнинг тиббий асбоб-анжомларни вақтинчалик сақлаш хонаси шартли равишда 2 та зонага ажратилади:

- ишлатилган тиббий асбоб-анжомларни сақлаш учун сув билан таъминланган зона;
- стерил контейнерларни сақлаш зонаси.

7.1.5. Ушбу хонада ишлатилган тиббий асбоб-анжомларга махсус кўпиксимон аэрозоль сепилади. Аэрозоль бўлмаган ҳолатларда тиббий асбоб-анжомлар сувга тўлиқ чўктирилган ҳолда ташилади.

7.1.6. Тиббий асбоб-анжомларни питтинг (нуқтали) коррозияга ва уларни занглаб ёрилишига йўл қўймаслик учун пўлатдан ишланган асбоб-анжомларни изотоник эритмада (масалан, физиологик тузли эритмалар), таркибида хлор сақловчи дезинфекцияловчи эритмада ёки бошқа дезинфектантарда зарарсизлантириш қатъиян ман этилади.

7.1.7. Ишлатилган жарроҳлик чойшабларини йиғиш учун махсус идишлардан (зич мато, клеёнка ва полипропилендан ишланган қопчалар, қопқоқли пластмасса сиғимлар, чойшаблар учун аравачалар ва ҳ.к.) фойдаланилади.

7.1.8. Тиббий асбоб-анжомларни занглаши ва уларни тозалашда қийинчиликларни олдини олиш учун ишлатилган тиббий асбоб-анжомларни узоқ муддатга, яъни тунга ёки дам олиш кунларига қолдириш мумкин эмас.

7.1.9. Шарнирли асбобларни (қайчилар, қисқичлар, тутқичлар) самарали тозалаш учун улар юзаларнинг ёпилиб қолишини камайтириш учун очиқ ҳолда

бўлиши керак.

7.1.10. Қисмларга ажратиладиган тиббий асбоб-анжомларни ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади.

7.1.11. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни махсус ажратилган автотранспортда стерилизация марказига транспортировка қилинади.

7.1.12. Ишлатилган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар аравачалар солинган транспорт воситалари улар туширилгандан кейин белгиланган тартибда дезинфекция қилинади. Транспорт воситасини дезинфекция қилиш учун пуркагич (гидропулт) ёки латгалар (ветошь), шунингдек дезинфекцияловчи воситаларнинг ишчи эритмаларини тайёрлаш учун идишлар билан таъминланган бўлиши керак.

7.1.13. Ишлаш жараёни стерилизация марказига ишлатилган тиббий асбоб-анжомларни қабул қилиш билан бошланиб, стерилизация қилинган асбоб-анжомларни даволаш-профилактика муассасасига транспортировка қилиш билан якунланади.

7.1.14. Ишлатилган тиббий асбоб-анжомлар контейнерлари нотоза зонада аравачаларга юкланади ва ювиш машинасида ювилади.

7.1.15. Контейнерлар ювиб бўлингандан кейин тиббий асбоб-анжомлар ушбу меъёрий ҳужжатнинг 7.2-бандига мувофиқ қўлда ювилади.

7.1.16. Зарур ҳолларда асбоб-анжомлар ушбу меъёрий ҳужжатнинг 7.4-бандига мувофиқ ультратовуш ювиш машиналарида қўшимча тарзда ювилади.

7.1.17. Асбоб-анжомлар қўлда ёки ультратовушли ювилгандан кейин нотоза зонада стерилизация олди тозалов ишларини ўтказиш учун ювувчи-дезинфекцияловчи машинасига жойлаштирилади ва ювилгандан кейин тоза зонадан олинади.

7.1.18. Дастлабки икки босқичли тозалашдан кейин асбоб-анжомлар лупа ёрдамида яширин қон ва оксил қолдиқларига юзасидан текширилади.

7.1.19. Тиббий асбоб-анжомлар ва боғлов материаллари ушбу меъёрий ҳужжатнинг 7.5-бандига мувофиқ қадоқлаб ўралади.

7.1.20. Ҳар бир иш жойида нусха кўчириш тартиби кўрсатилган ҳолда штрих-кодлар намуналари таъминланади. Қадоқлаб ўралган асбоб-анжомлар контейнерларга жойлаштирилади, фойдаланувчининг персонал штрих-коди қайд этилади ва стерилизацияга юборилади.

7.1.21. Тиббий асбоб-анжомлар турига қараб стерилизация ҳарорати ва экспозицияси режими танланади.

7.2. Тиббий асбоб-анжомларни қўлда ҳамда ювувчи машинада ёрдамида тозалаш ва дезинфекция қилиш

7.2.1. Тиббий асбоб-анжомларни қўлда тозалаш учун фаол ва оксилларни фиксация қилмайдиган таркиби ферментли ёки фермент сақламайдиган фаол технологик химикатлар қўлланилиши керак.

7.2.2. Тозалаш воситаларини қўллаганда ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларини, айниқса концентрация ва ҳароратга оид кўрсатмаларини, инобатга олиш керак.

7.2.3. Тиббий асбоб-анжомларни ювишда ҳар куни ювувчи ва дезинфекцияловчи воситаларининг ишчи эритмаларидан фойдаланилади. Ювувчи-дезинфекцияловчи воситалар ишчи эритмалари тез-тез алмаштириш керак.

7.2.4. Тиббий асбоб-анжомларни тозалаш учун юмшоқ, силлиқ салфеткалардан, пластик чўткалардан ёки ювиш пистолетларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бўшлиқли асбоб-анжомлар учун ишлаб чиқарувчи тавсия қилган (типи ва ўлчами бўйича) чўткалардан фойдаланилади.

7.2.5. Кўлда ўтказилган ювиш ва дезинфекция тозалов ишларидан сўнг тиббий асбоб-анжомлар етарли миқдордаги оқар сувда ювилади. Ушбу жараёнида тиббий асбоб-анжомлар ёпишиб қолган заррачалардан тозаланади.

7.2.6. Асбоб-анжомларда сув доғларини ҳосил бўлишини олдини олиш учун якуний ювиш ишлари учун деминераллаштирилган (филтрдан ўтказилган) сувдан фойдаланиш тавсия этилади.

7.2.7. Асбоб-анжомлар ювилгандан кейин дарҳол қуритилиши керак. Қуритишда мойли аралашмалардан ҳоли сиқилган ҳаво билан қуритиш айниқса самарали таъсир қилади.

7.2.8. Шарнирли асбоб-анжомлар ювувчи-дезинфекцияловчи восита ишчи эритмасига, уларнинг юзалари беркилиб қолмаслиги учун тўлиқ очилган ҳолда жойлаштирилиши керак. Трубка ва канюля каби тор тирқишли асбоб-анжомларга, шунингдек бўшлиқли асбоб-анжомларга ишлов бериш катта эътиборни талаб қилади. Уларнинг ички юзаларини ёпилиб қолишини олдини олиш учун уларнинг ички юзалар дезинфекцияловчи эритмага тўлиқ чўктирилганлиги назорат қилинади.

7.2.9. Стоматологик асбоблар-анжомларга жарроҳлик амалиётида ишлатиладиган тиббий асбоблар-анжомлар каби ишлов бериш мумкин. Ушбу турдаги асбоблар-анжомлар ички қисмини тозалаш ва сақлаш учун ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия қилинган восита ва усуллардан фойдаланиш керак.

7.2.10. Махсус пўлатдан бўлмаган материаллардан тайёрланган стоматологик асбобларни, материалнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, фақат махсус дезинфекцияловчи ва ювувчи эритмалар билан тозалаш мумкин. Тиббий асбоблар-анжомлар занглашини бартараф этиш учун улар ювилгандан кейин дарҳол қуритилиши, кейин стерилизация учун мос занглашга қарши восита билан ишлов берилиши керак. Керамика ёки пластик материалдан ишланган силлиқловчи дискларга ишлатиладиган дезинфекцияловчи ва ювувчи воситалар ушбу асбобларга мос келиши текширилиши керак.

7.2.11. Кам инвазив хирургик муолажалар учун ишлатиладиган асбоб-анжомлар ва каттиқ эндоскоплар осон механик шикастланиши мумкин. Бўшлиқ ва каналлари мавжуд тизимлар ва компонентларни етарлича самарали тозалаш учун уларга айниқса яхшилаб ишлов бериш керак.

7.2.12. Эгилувчан эндоскопларга ишлов беришни бошлашдан олдин клапанлар ва қалпоқчалар ечиб олинади. Тегишли ҳимоя қалпоқчалари ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига қараб кийдирилади. Эгилувчан эндоскоп тозалаш учун ювувчи ёки ювувчи-дезинфекцияловчи эритмали ваннага

бўктирилади ва ташқаридан яхшилаб артилади.

7.2.13. Эгилувчан эндоскоп каналлари ушбу асбоб учун мўлжалланган чўтка билан тозаланади, кейин ювувчи ёки ювувчи-дезинфекцияловчи эритма билан ювилади. Эндоскопнинг дистал қисми ишлаб чиқарувчининг кўрсатмасига мувофиқ тозаланиши керак.

7.3. Тиббий асбоб-анжомлар ювувчи-дезинфекцияловчи машинада тозалаш ва дезинфекция қилиш

7.3.1. Тиббий асбоб-анжомларни ювиш машинасида тозалаш ва дезинфекция қилиш асосан куруқ жойлангандан кейин амалга оширилади.

7.3.2. Тиббий асбоб-анжомлар нам жойланганда тозалаш ва дезинфекция учун ишлатиладиган воситалар кам кўпирувчан бўлиши керак, чунки кўпик ювиш босимини ва машинада ювиш самарадорлигини анча камайтириши мумкин.

7.3.3. Кучли ифлосланган асбоблар (стоматологик асбоблардаги қуриб қолган мато қолдиқлари, ёпишиб қолган пломбалаш материаллари ва ҳ.к.) га, машинага солишдан олдин дастлаб қўлда ишлов берилиши ёки ультратовушли ваннада ювиб ташланиши керак.

7.3.4. Ювувчи-дезинфекцияловчи машина ёрдамида самарали ювиш ва дезинфекция қилиш учун тўрсимон лотокларни, кассеталарни, ушлагичларни ва бошқаларни машинага тўғри жойлаштириш керак.

7.3.5. Шарнирли асбоб-анжомлар очилган ҳолатда жойлаштириши керак.

7.3.6. Тиббий асбоб-анжомлар ювувчи эритмалар билан ювилишини таъминлаш мақсадида улар тўрсимон лотокларга зич жойлаштирилмаслиги керак.

7.3.7. Тиббий асбоб-анжомларни машинага жойлаштиришда уларнинг механик таъсирчанлиги ва чидамлилиги инобатга олиниши керак.

7.3.8. Тиббий асбоб-анжомлар белгиланган дастурда зарарсизлантириш тугагандан кейин дарҳол машинадан олиниши керак, чунки ёпиқ машинада узоқ қолиб кетганда қолдиқ намлик занглашни келтириб чиқариши мумкин.

7.3.9. Машинада ювиш ва дезинфекциялаш учун термик ва кимёвий термик усуллардан фойдаланилади.

7.3.10. Термик ва кимёвий-термик дезинфекция билан тозалаш дастури қуйидаги босқичлардан иборат:

- дастлабки ювиш;
- тозалаш;
- бирламчи оралик ювиш;
- қўшимча оралик ювиш;
- термик дезинфекция/охирги ювиш;
- қуриштиш.

7.3.11. Тиббий асбоб-анжомларни термик усулда зарарсизлантиришда дезинфекция ишлари +65°C дан юқори ҳароратда амалга оширилади.

7.3.12. Термолабил тиббий асбоб-анжом ва буюмлар зарарсизлантиришда кимёвий-термик усуллардан фойдаланилади. Ушбу ҳолатда ювишдан кейин машинада дезинфекциялашга мўлжалланган дезинфекция воситасидан

фойдаланилади. Тиббий асбоб-анжомларни ювиш ва куритишнинг барча этапларида ҳарорат чегараланган бўлиши керак.

7.3.13. Термик усулда дезинфекция қилиш усулида сувнинг ҳарорати датчиклар орқали назорат қилинади.

7.13.14. Термик ва кимёвий-термик дезинфекция ишлари сифатини назорат қилиш учун ювувчи-дезинфекцияловчи машинага иш бошланишидан олдин ювишнинг биринчи циклига тестлар қўйилади.

7.4. Тиббий асбоб-анжомларни ультратовуш билан тозалаш ва дезинфекция қилиш

7.4.1. Ультратовушли ишлов бериш зангламайдиган пўлатдан ва қаттиқ пластмассадан ишланган тиббий асбоб-анжомларни (эластомерлардан ташқари) кўшимча тозалаш учун махсус мўлжалланган.

7.4.2. Механик таъсирга чидамсиз асбоблар (микрохирургик, стоматологик асбоблар) учун, ультратовуш ёрдамида ишлов бериш бир вақтнинг ўзида пухта тозалаш ва дезинфекциялаш имконини беради.

7.4.3. Ультратовуш ёрдамида тозалаш қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- қўлда тозалаш жараёнларига кўшимча равишда самарали механик тозалаш усули сифатида;
- тозаланиши қийин бўлган ифлосланишларни бартараф этиш учун;
- машинада тозалаш усулининг таркибий қисми сифатида кўшимча тозалаш учун.

7.4.4. Ультратовушли тозалашдан оптимал фойдаланиш учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

- ультратовуш ванна йўриқномаларига мувофиқ тўлдирилиши керак;
- сувга тиббий асбоб-анжомларни ювиш ва зарарсизлантириш қилишга мувофиқ келадиган ювувчи ёки ювувчи-дезинфекцияловчи воситасидан фойдаланиш;

- ультратовушли зарарсизлантиришда ювувчи ва дезинфекция қилувчи воситалар концентрацияси, ҳарорати ва экспозицияси ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига риоя қилиниши керак;

- ультратовуш ванна хона ҳароратидаги сув билан тўлдирилиши керак;
- ультратовушли тозалашда ишлатилаётган сувнинг ҳарорати +45 °С дан юқори бўлса оксиллар денатурацияси туфайли тиббий асбоб-анжомлар юзасида қатламлар ҳосил бўлиши мумкин.

7.4.5. Тўғри тайёрланган ваннадан ташқари, қуйидаги асосий қоидаларга ҳам риоя этилиши лозим:

- тиббий асбоб-анжомлар суюқликка тўлиқ бўктирилган бўлиши керак;
- шарнирли тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар тозалаш жараёнида, юзаларнинг ёпилиб қолишини камайтириш учун очилган ҳолда бўлиши керак;

- тиббий асбоб-анжомлар устма-уст эмас, балки ёнма-ён тахланган бўлиши керак;

- тиббий асбоб-анжомлар ультратовушли тозалаш жараёнига тўсқинлик қилмайдиган тўрсимон лотокларга (сим тўрли лотоклар ёки тешикли листдан тайёрланган лотокларга) жойлаштирилиши керак;

- майдони бўйича катта деталлар ультратовуш ванналарига акустик соя ва зоналар ҳосил қилмайдиган тарзда жойлаштирилиши керак.

7.4.6. Ультратовушли ванна ичидаги суюқлик ҳар куни алмаштирилиши керак.

7.4.7. Дезинфекцияловчи восита эритмасидан ишлаб чиқарувчи йўриқномасига асосан узоқ вақт фойдаланилиш мумкин.

7.4.8. Ультратовушли тозалаш самарадорлигининг пасайиши ва юқори даражадаги ифлосланишга олдини олиш учун дезинфекция воситаларининг ишчи эритмалари мазкур препарат йўриқномасига мувофиқ тайёрланади.

7.5. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни қадоқлашга бўлган талаблар

7.5.1. Стерилизация ўраш материаллари тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилишдан олдин ўраш ва уларни стерилизация қилингандан кейин ишлатгунга қадар ва транспортировка қилишда стерил ҳолатда сақлашга мўлжалланган.

7.5.2. Тиббий асбоб-анжомларни ўраш материаллари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- танланган стерилизация усулида ишлатиш учун мўлжалланган бўлиши;
- ҳавони ташқарига чиқиб кетиши ва стерилизация агентини ичкарига киришини таъминлаши;

- тиббий асбоб-анжомларни сақлаш ва ташиш жараёнида стерилликни сақлаши;

- ўрам ичидаги тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерил ҳолда олиш имконини бериши керак.

7.5.4. Тиббий асбоб-анжомлар ва чойшаблар ва бошқа материалларни ўраш стерилизация қилинаётган материалдан ҳавонинг тўлиқ чиқариб юборилиши ва стерилизация агентининг энг чуқур нукталарига етиб боришига имкон бериши керак.

7.5.5. Оқ тиббий крафт-қоғоз, ламинация қилинган шаффоф плёнкадан тайёрланган ўраш материаллари антибактериал ва ишончли химояни таъминлайди.

7.5.6. Боғлов хоналари учун ишлатиладиган ўраш материаллари ушбу хоналарда стерил стол ёймасдан ишлаш имкониятини бериши керак.

7.5.7. Стерилизация учун ажратилган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларда стерилизация олди тозалов ишлари ўтказилади, хирургик операция учун ишлатиладиган чойшаблар эса ювилиб, қуритилгандан кейин пакетларга (шу жумладан рулон материалдан тайёрланган) жойлаштирилади. Бунда буюмлар ишчи қисми билан пакетларнинг очик томонига (тўлдириш томонга) қаратиб жойлаштирилади. Рулонли материаллардан тайёрланган пакетларга буюмларни жойлаштиришда, буюмнинг ишчи қисми очиладиган жойига қарама-қарши томонга қаратилган бўлиши керак. Пакетларнинг чоклари ёрилиб кетмаслиги учун улардаги буюмлар сигимнинг $\frac{3}{4}$ қисмидан ортик бўлмаслиги керак. Ўраш материалларини санчувчи (игналар ва бошқалар) ва кесувчи (скальпеллар, резекцион пичоқлар ва бошқалар) асбоблар жойлаштириганда йиртилишини олдини олиш учун турли химоя усуллари,

яъни буюмлар кетма-кет икки марта ўраш, кесувчи асбобларнинг ишчи қисмлари тоза доқа ёки қоғоз салфеткаларга ўралади.

7.5.8. Буюмлар солинган пакетлар термик усулда пайвандлаш аппаратлари ёрдамида ва бундан истисно тариқасида – индикаторли ёки индикаторсиз ёпишувчан тасмалар ёрдамида беркилади.

7.5.9. Пакетлар ёпилишидан олдин қўл билан уни ёпиқ томондан очик томонга йўналтирган ҳолда (иложи борича) ҳавони чиқариб ташлаш керак.

7.5.10. Стерилизация қилинган тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни узок сақлаш учун стерилизация марказида микрофилтрли контейнерлар ёки стерилизация қилингандан кейин автоматик тарзда герметик ёпиладиган клапанли стерил контейнерлардан фойдаланилиши зарур.

8. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилишга бўлган талаблар

8.1. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация маркази барча турдаги тиббий асбоб-анжомлар, жумладан ҳам иссиққа чидамли, ҳам термолабил тиббий буюмлар ва материалларни стерилизациясини таъминлаши керак. Бундан келиб чиққан ҳолда стерилизация ишлари термик ва кимёвий (совуқ) усулларга ажратилади.

8.1.1. Термик стерилизация

8.1.2. Термик стерилизация ишлари буғ ёрдамида олиб борилади.

8.1.3. Буғ билан стерилизация қилишнинг асосий сифат мезонларидан бири стерилизацион камера ва тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлардаги каналлари ҳамда бўшлиқлардаги ҳавони тўлиқ чиқаришдир.

8.1.4. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилишда фақат замонавий форвакуумли стерилизаторларидан фойдаланилади. Форвакуум усулида ҳаво нафақат камера бўшлиқларидан, балки тешикли материаллардан (чайшаб ва боғлов материалларидан), шунингдек тиббий буюмлар бўшлиқлари ва каналларидан пульсацияловчи вакуум ёрдамида буғ юбориш ва ҳосил бўлган буғ-ҳаво аралашмани вакуум даражасигача йўқотиш орқали бутунлай чиқариб ташланади.

8.1.5. Стерилизатор марказини танлашда қуйидагиларга эътибор қилиниши керак:

- стерилизациянинг критик параметрларига: ҳарорат, вакуум чуқурлиги, буғнинг босими, экспозиция, стерилизация цикли давомида буғ камерасидан конденсатни оператив равишда чиқариб ташлашни таъминлашда хатоларни блокировка қиладиган автоматика мавжудлиги;

- стерилизатор иши сифатини текшириш режимлари: камера герметиклиги бўйича вакуум-тест ҳамда стериллаш камерасидан ҳавонинг яхши чиқарилганлиги бўйича Бови-Дик тести;

- стерилизация қилинадиган буюмлар ва материалларни юклаш ва туширишнинг механизацияланганлиги;

- камера эшикларининг автоматик ёпилиши;

- стерилизаторни локал компьютер тармоғи билан боғлаш имконияти;
- стерилизация циклини автоматик қайд қилиш ва принтерда қоғозга чиқариш имконияти;
- стериллаш цикли вақтида юзага келган хатолар коддини стерилизатор панели дисплейига чиқариш ва қайд этиш, уларни принтерда қоғозга тушириш мумкинлиги;
- стерилизация жараёнини валидация қилиш имконияти.

8.2. Кимёвий “совуқ” стерилизация

8.2.1. Кимёвий “совуқ” стерилизация этилен оксиди билан ўтказилади.

8.2.2. Этиленоксид ёрдамида стерилизация қилиш кучли бактерицид таъсирга эга бўлиб, ниҳоятда токсик, мутаген ва канцероген хусусиятга эга. Замонавий этиленоксидли стерилизаторлар тиббиёт ходимлари учун мутлақо хавфсиз тарзда фойдаланиш имконини беради.

8.2.3. Этилен оксиди билан стерилизация қилиш ёки ЭО-стерилизация вакуум шароитида, паст ҳароратларда, яъни 37-55°C да ўтказилади. Ушбу хусусиятлари билан ЭО-стерилизация универсал ҳисобланиб, унда ҳар қандай тиббий буюмлар ва материаллар, шу жумладан эндоскоплар, лапароскоплар, электроника, имплантатларни ҳам стерилизация қилиш мумкин.

8.2.4. Стерилизация марказида этилен оксидли ёки формальдегидли стерилизатор иккита, яъни тоза ва стерил зонада алоҳида вентилиция тизимига эга бўлган хонада ўрнатилади. Стерилизатор ишлаётган вақтда махсус сенсорлар билан хонадаги газ миқдори ўлчаб борилиши керак.

8.2.5. Формальдегидли ва этиленоксидли стерилизация қилиш учун буғли стерилизатор каби махсус стерилизация индикаторларига эга бўлган ўраш материалларидан фойдаланилади.

8.3. Плазмали стерилизация

8.3.1. Пероксидли плазмали стерилизация этилен оксидли ва формальдегид буғлари билан стерилизацияга альтернатива сифатида фойдаланилади.

8.3.2. Пероксидли плазмали стерилизация турида стерилизация агенти сифатида 50-58% перекись водород ва унинг паст ҳароратли плазмадан фойдаланилади.

8.3.3. Плазмали стерилизация қуруқ атмосферада паст ҳароратда (60°Cгача) олиб борилади.

8.3.4. Плазмали стерилизаторда тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларнинг деярли барча турлари ва хиллари, жумладан, жарроҳлик, травматологик, стоматологик, офтальмологик, микрохирургик асбобларни, толали ёруғлик ўтказгичларини, лазерли ва нур ўтказгичларни, электр симлари ва кабелларни, электр ва электрон қурилмаларни, асбоблар дастаклари, нафас олиш контурларини ҳамда юқори ҳарорат ва намликда стерилизация қилиш мумкин бўлмаган ёки ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия қилинмаган бошқа тиббий буюмларни стерилизация қилиш мумкин.

8.3.5. Плазмали стерилизация хонасига алоҳида вентиляцияга бўлган талаблар талаб этилмайди.

8.3.6. Плазмали стерилизация ўрнатилган хона ҳарорати 40°C дан ошмаслиги керак.

9. Буғли стерилизаторларни (автоклавлар) ўрнатиш учун хоналарга бўлган талаблар

9.1. Буғли стерилизаторлар ушбу хоналарга қўйиладиган асосий талабларга (ерга уланган, электрэнергия, сув ва канализация тизимига уланган) риоя этилиши лозим.

9.2. Буғли стерилизаторларни ўрнатишда ишлаб чиқарувчининг талаблари ҳисобга олиниши керак.

9.3. Буғли стерилизаторлар ўрнатиладиган ҳамма хоналар табиий ва сунъий ёритилган, деразаларда фрамуга ёки форточкалар, кирувчи-сўрувчи вентиляция бўлиши лозим.

9.4. Буғли стерилизаторлар ўрнатилган хона эшиклари ташқарига очиладиган бўлиши ҳамда ҳаттоки буғли стерилизаторлардан фақат биттаси ишлаган пайтда ҳам ёпилмаслиги керак. Эшиклар ойнали бўлмаслиги керак.

9.5. Таянч юза текис, горизонтал бўйича тўғрилаб олинган бўлиши керак. Пол сув ўтказмайдиган қаттиқ материалдан (плитка, бетон, қаттиқ қуйма материал ва ҳ.к.) ишланган бўлиши лозим.

9.6. Хоналар деворлари, шипи, пол қопламаси ва бўёғи санитария тозалов ишларига чидамли бўлиши ва бунда ёқимсиз ҳидлар ҳамда токсик моддалар чиқармаслиги керак.

9.7. Электр симларини ўтказиш амалдаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши керак. Юқори даражали ҳимояни таъминлаш учун ҳимоя симини улаш (ўзаро улаш)га аппарат корпусининг қўйи қисмидаги ҳимоя қисқичи хизмат қилади. (бириктирувчи қутидан ҳимоя сими учун қисқич ёнида). Аппаратнинг олдида, унга бевосита яқин жойда, хизмат кўрсатувчи ходимларга монелик қилмайдиган тарзда, уч фазали асосий ўчирувчи ўрнатилган бўлиши, у “ўчирилган”, “ёқилган” ҳолатлари аниқ кўрсатилган тарзда қурилманинг ажратувчи элементи сифатида қайд этилиши лозим.

9.8. Барча буғли стерилизаторлар эксплуатация ҳужжатлари (паспорт)га мувофиқ ерга уланган бўлиши керак. Ерга уловчи ўтказгичлар сифатида сув қувурларидан, марказий иситиш тармоқларидан, ёнувчи ва портловчи аралашмалар учун қувурлардан фойдаланиш таъқиқланади.

9.9. Стерилизатор фақат ваколатли шахс томонидан ўрнатилиши ва фойдаланишга топширилиши керак.

10. Форвакуумли стерилизаторлар ишлаш сифатини назорат қилишга бўлган талаблар

10.1. Форвакуумли стерилизаторлар камерасидан ҳавонинг тўлиқ чиқишини даврий равишда назорат қилиш учун Бови-Дик тест пакетларидан

фойдаланилади.

10.2. Бови-Дик тест пакетлари инерт қоғоздан тайёрланган марказида индикатор қоғози жойлаштирилган кўп қаватли пакетга ўралган тест-индикатордир. Индикатор композицияси индикатор қоғозида қор учқунлари кўринишидаги нақшларни ҳосил қилади. Индикатор композициясидаги ранг кўрсаткичи кул-ҳаво рангдан оч пушти-бинафша рангга киради.

10.3. Иш жараёнида ушбу тест пакетлардан фойдаланиш стерилизатор камерасининг герметик ёпилмаганлиги, форвакуум насоси ва клапанларининг ишламаслиги билан боғлиқ камчиликлар сабабли стерилизатор камерасидан ҳавонинг тўлиқ чиқмаётганлиги каби камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

10.4. Бови-Дик тест пакетлари қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

- стерилизаторларда монтаж ва таъмирлангандан кейин;
- стерилизаторларни эксплуатация қилиш жараёнида режали даврий (ҳар ҳафтада) назорат вақтида;
- физикавий ва кимёвий усуллар ёрдамида ўтказилган жорий назорат ишларида қониқарсиз натижалар аниқланганда;
- бактериологик текширув натижасида ностерил намуналар аниқланганда.

10.5. Стерилизаторларни ишлаш ҳолатини жорий назорат ишлари стерилизация маркази ходими томонидан, уларни монтаж ва таъмирлаш ишларидан сўнг текшириш монтаж ва техник хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан олиб борилади.

10.6. Бови-Дик тест пакетлари ёрдамида стерилизаторлар ҳавони чиқишини текшириш тартиби қуйидагича ўтказилади:

10.6.1. Бови-Дик тест пакетлари фақат бир марта ишлатилади. Ишлатиш муддати ўтган тест-пакетлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

10.6.2. Буғли стерилизаторлар уларнинг йўриқномасига қараб эксплуатация қилинади.

10.6.3. Стерилизацион камера эшиги очилади ва стерилизатор камера металл решетка тағлигига 50-100 мм баландликда тест пакет қўйилади. Кейин камера эшиги ёпилиб ва стерилизацион камера $134\pm 3^{\circ}\text{C}$ 3,5 мин. параметрли технологик циклда қиздирилади.

10.6.4. Стерилизация цикли тугагандан кейин стерилизацион камера эшиги очилиб, Бови-Дик тест пакетлари олинади ва бўш камерага юза томони билан горизонтал равишда солинади. Тест-пакет камера деворлари ва эшигига тегмаслиги керак.

10.6.5. Тест цикли тугагандан кейин Бови-Дик тест пакетлари стерилизацион камерадан олинади ва совитиш учун столга қўйилади.

10.6.6. 1-синфга оид индикатор юза қисми ўрамда кўрсатилган рангга кириши керак.

10.6.7. Бови-Дик тест пакетлари очилиб, ўралган қоғоз устки қисми олинади. Инерт қоғоз ўртасидаги индикатор лист олиниб, бутун қоғоз бўйлаб диққат билан текширилади.

10.6.8. Индикатор композициясидаги ранг кўрсаткичи бутун қоғоз бўйлаб кул ранг-ҳаво рангдан оч пушти-бинафша рангга кирган бўлса, текшириш натижалари ижобий ҳисобланади ва стерилизаторни эксплуатация қилишга

рухсат берилади.

10.6.9. Агар индикатор қоғоздаги ранг кўрсаткичи бўйича бир хил рангга эга бўлмаса, қоғоз ўртасида кул ранг ёки кўк ранг ёки кўк-бинафша ранг аниқланса, стерилизатор бузилган ҳисобланади.

10.6.10. Бундай ҳолатда стерилизатордаги камчиликлар бартараф этилиб, Бови-Дик тест пакетлари ёрдамида текширилиб, ижобий натижа олингандан кейин эксплуатация қилишга рухсат этилади.

10.6.11. Ишлатилган индикатор қоғозлари ҳимоя қатлами ёпишувчи қаватдан олингандан кейин “Стерилизаторларни ишини назорат қилиш журнали”га ёпиштирилади ва ушбу журнал архивда 5 йил мобайнида сақланади.

Стерилизаторларни ишлашини назорат қилиш ЖУРНАЛИ

Бошланиши 20__ й. «____» _____
Тугаши 20__ й «____» _____.

Сана	Стерилизатор маркаси	Стерилизация қилинаётган буюм		Ўралиши	Режим		Стерилизация қилиш вақти		Тест назорат			Имзо
		Стерилизация қилинаётган буюм номи	Сони		босим	ҳарорат	Стерилизациянинг бошлиниши	Стерилизациянинг тугаши	биологик	термик	кимёвий	

11. Стерилизация марказида хирургик чойшабларини ювишга бўлган талаблар

11.1. Операцион чойшабларга жарроҳлик халатлари, сочиқлар, оқликлар, ниқоблар, қалпоқчалар ва бахилалар киради.

11.2. Хирургик йўналишдаги стационарларда ишлатиладиган барча операция чойшаблари дезинфекция қилиниши, ювилиши ва стерилизация қилиниши керак.

11.3. Кўп маротаба ишлатиладиган операция чойшабларга маркировка қилинган бўлиши ва уларни ювиш учун махсус қопчаларда бошқа чойшаблардан алоҳида топширилиши керак.

11.4. Хирургик чойшабларни ювиш учун стерилизация маркази таркибида кирхона ташкил этилган бўлиши керак.

11.5. Кирхонада чойшабларни ювишда кетма-кетлик қоидаларига риоя этилиши ва тоза ва ишлатилган чойшабларни ювиш технологик оқими ҳаракати бир-бири билан кесишмаслиги керак.

11.6. Хирургик чойшабларни ювишда иккита ойнадан, яъни – юклаш

(“нотоза”) ва чиқариш (“тоза”) ойналардан иборат тўсиқ типдаги кир ювиш машиналарида амалга оширилади.

11.7. Кирхона хоналарининг таркиби, бир сменада келтириладиган чойшаблар ҳажмига қараб, амалдаги меъёрий ҳужжат талаблари асосида ташкил этилади.

11.8. Ишлатилган чойшаблар кирхонанинг қабул қилиш цехида қабул қилиб олинади.

11.9. Кир ювиш хонасида чойшабларни қабул қилиш ва саралаш махсус кийимда амалга оширилади, бу кийим ҳар куни, шунингдек нотоза зонадан тоза зонага ўтишда алмаштирилади.

11.10. Чойшаблар қуриштиш барабанларида ҳамда иссиқ мавсумда очик ҳавода қуриштилади.

11.11. Қурилгандан кейин чойшаблар бироз намлигида технологик линия бўйича дазмоллашга юборилади. Улар дазмоллаш катоклари, дазмоллаш пресслари ва дазмоллар столларида дазмолланади.

11.12. Дазмолланган чойшаблар ҳар бир ДПМ учун ассортиментга қараб тахланади ва жамланади.

11.13. Бўлинмаларга қайтариш учун тайёрланган чойшаблар стерилизация марказининг тоза зонасига юборилади.

11.14. Ишлатилган чойшаблар билан ишлайдиган ходимлар санитария кийимлари (халат, рўмолча) ҳамда шахсий ҳимоя воситалари (қўлқоплар, ниқоб ёки респиратор) билан таъминланган бўлиши керак.

11.15. Ишлатилган чойшаблар билан ювиш ишлари охирига етказилгандан кейин санитария кийимлари ювишга юборилади, қўлқоплар ва ниқоб дезинфекцияловчи эритмада зарарсизлантирилади, қўллар совун билан ювилади ва антисептик восита ёрдамида ишлов берилади.

11.16. Организмнинг биологик суюқликлари билан ифлосланган чойшаблар транспортировка қилингандан кейин санитария хонасида дезинфекция қилинади.

11.17. Хирургик чойшабларни саралаш, тайёрлаш, ювиш, дазмоллаш, таъмирлаш ва уларни сақлашни ташкил қилиш учун кирхонада масъул ходими тайинланади.

11.18. Хирургик чойшабларни ишлов беришнинг сифати тоза буюмлар омборида сақланадиган барча турдаги чойшаблардан бактериологик ифлосланишга суртмалар олиш билан назорат қилинади.

11.19. Бактериологик назорат бир йилда камида 2 марта, шунингдек кир ювиш технологияси ўзгарганда амалга оширилиши лозим.

11.20. Кирхонада ишловчи барча ходимлари махсус кийим тўплами билан таъминланиши ва улар ҳар куни алмаштирилиши керак.

11.21. Кирхонанинг барча хоналарда қўлларни ювиш учун раковиналар ўрнатилган бўлиши керак.

11.22. Иш вақти тугагандан кейин ходимлар гигиеник душ қабул қилишлари керак.

11.23. Кирхонанинг ишлаб чиқариш хоналарида овқатланиш таъқиқланади.

12. Стерилизация марказида тиббиёт ходимларининг меҳнат шaroитларига бўлган гигиеник талаблар

12.1. Стерилизация марказида ходимларининг асосий функционал, ишлаб чиқариш хоналарида ва иш жойларида микроиклим ва ҳаво муҳитининг меъёрий параметрлари (ҳаво ҳарорати, намлиги ва ҳаво ҳаракати тезлиги, кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари), шунингдек ҳаво алмашинуви меъёрларига риоя этилган бўлиши керак.

12.2. Ускуналарни жойлаштириш ва уларни эксплуатация қилиш техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

12.3. Стерилизация марказида ишлайдиган тиббий ва бошқа ходимлар амалдаги меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтиши керак.

13. Стерилизация маркази хоналари, ускуналари ва инвентарларга бўлган талаблар

13.1. Стерилизация маркази барча хоналари, асбоб-ускуналар, тиббий ва бошқа инвентарь сақланиши керак. Хоналарда намли тозалаш (полларни ювиш, мебель, ускуналар, дераза токчалари, эшиклар ва ҳ.к.ларни артиш) бир кунда камида 3 марта, шундан 1 марта дезинфекцияловчи воситалари ёрдамида ўтказилиши керак. Зарурат бўлганда, жорий тозалов ишлари тез-тез ўтказилиши мумкин.

13.2. Хоналарни намли усулда тозалаш ва дезинфекция ишлари Ўзбекистон Республикасида ишлатишга рухсат этилган ювувчи ва дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида ўтказилади.

13.3. Барча йиғиштириш воситалари (челаклар, латталар, швабралар ва бошқалар) хоналарни ва тозалаш ишлари турларини кўрсатган ҳолда аниқ маркировка қилинган ва шу мақсадда фойдаланилиши ва алоҳида сақланиши лозим. Латталар тоза ва қуруқ ҳолда сақланади.

13.4. Хоналарни мукамал тозалов ишлари тасдиқланган жадвал асосида ҳар ҳафтада камида 1 марта ўтказилади, бунда деворлар, пол, барча ускуналар яхшилаб ювилади, мебель, чироклар, жалюзи ва ҳоказолар чанглардан тозаланади.

13.5. Стерилизация марказида ювувчи ва дезинфекцияловчи воситаларининг 3 ойлик захираси сақланиши лозим. Йўлаклар, ҳожатхоналар ва тиббий-техник жараён билан боғлиқ бошқа ёрдамчи хоналарда чиқинди йиғиш учун педалли контейнерлар билан таъминланган бўлиши керак.

13.6. Бинолар ва хоналарни яроқсиз ҳолга келган ёки эскирган муҳандислик ускуналарини, иситиш, вентиляция тизимларини, канализация-сув қувури тармоқларини, санитария-техник ускуналар ва қурилмаларни, электр тармоқлари ва ҳоказоларни алмаштирган ҳолда капитал таъмирлаш уларнинг санитария-техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади, зарур

ҳолатларда капитал таъмирлаш ишлари реконструкция билан биргаликда олиб
борилиши мумкин.

**Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация маркази асосий хоналарини табиий,
сунъий ва аралаш ёритишга бўлган меъёр кўрсаткичлари**

Хоналар	Норматив ишчи юза ва текислик ва ёритилганлик КЕО (Г–горизонтал, В – вертикал) ҳамда текисликнинг полдан баландлиги, м	Табиий ёритилганлик		Аралаш ёритилганлик		Сунъий ёритилганлик				
		КЕО e_n , %		КЕО e_n , %		Ёритилганлик, лк			Диском-форт кўрсаткичи M , гача	Ёритилганлик пульсацияси коэффициенти, K_p , %, гача
		Юқори дан ва аралаш ёритиш да	Ён томон дан ёритиш да	Юқори дан ва аралаш ёритишда	Ён томондан ёритишда	Аралаш ёритишда		Умумий ёритиш да		
						жами	Умумий дан қисм			
Дезинфекция ва стерилизация қилиш хоналари										
Стерилизация хоналари - автоклав, материалларни қабул қилиш ва сақлаш хонаси	Г-0,8	—	—	—	—	—	—	200	40	20
Тиббий асбоб-анжомларни тайёрлаш хонаси	Г-0,8	—	—	—	—	—	—	200	40	20
Таъмирлаш хонаси	Г-0,8	—	—	—	—	—	—	300	40	15

Изоҳ: Жадвалда кўрсатилмаган хоналарнинг ёритилганлиги, табиий ва сунъий ёритиш бўйича санитария меъёрларига мувофиқ қабул қилинади.

Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация маркази хоналарининг уларининг функционал вазифаси ва тозалик синфига боғлиқ ҳолда ҳаво муҳитида бактериал ифлосланиш йўл қўйиладиган даражалари

№	Тозалик синфи	Хоналар номи	Санитар-микробиологик кўрсаткичлар					
			1м ³ ҳавода микроорганизмларнинг умумий сони (КОЕ/м ³)		1м ³ ҳавода Staphylococcus aureus колониялари сони (КОЕ/м ³)		1дм ³ ҳавода моғор ва замбуруғлар сони	
			Иш бошлашдан олдин	Иш вақтида	Иш бошлашдан олдин	Иш бошлашдан олдин	Иш вақтида	Иш вақтида
1.	Тоза (Б)	Стерил зона	500 гача	750гача	Бўлмаслиги керак	Бўлмаслиги керак	Бўлмаслиги керак	Бўлмаслиги керак
2.	Шаргли тоза (В)	Тоза зона	750гача	1000 гача	Бўлмаслиги керак	2гача	Бўлмаслиги керак	Бўлмаслиги керак
3.	Нотоза (Г)	Нотоза зона Маъмурий бинолардаги йўлаклар ва хоналар, зинополяр, санитария хоналари, ҳожатхоналар, кир чойшаблар ва чиқиндиларни вақтинча сақлаш хоналари.	Меъёрлаш тирилмаган	Меъёрлаш тирилмаган	Меъёрлаштирилмаган			

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси қонунларидан кўчирма	4
Атамалар ва таърифлар	5
1. Қўллаш соҳаси	7
2. Умумий қоидалар	7
3. Хоналарни ички пардозлашга бўлган талаблар.....	12
4. Сув таъминоти ва канализацияга бўлган талаблар	12
5. Табiiй ва сунъий ёритишга талаблар	13
6. Хоналарнинг иситилиши, вентиляцияси, микроклими ва ҳаво муҳитига талаблар	13
7. Тиббий асбоб-анжомлар йиғиш, транспортировка қилиш, дезинфекция ва стерилизация қилишга бўлган талаблар	16
Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни ташишга тайёрлаш.....	16
Тиббий асбоб-анжомларни қўлда ҳамда ювувчи машинада ёрдамида тозалаш ва дезинфекция қилиш	17
Тиббий асбоб-анжомлар ювувчи-дезинфекцияловчи машинада тозалаш ва дезинфекция қилиш	19
Тиббий асбоб-анжомларни ультратовуш билан тозалаш ва дезинфекция қилиш	20
Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни қадоқлашга бўлган талаблар	21
8. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация қилишга бўлган талаблар	22
Термик стерилизация	23
Кимёвий “совуқ” стерилизация	23
Плазмали стерилизация	23
9. Буғли стерилизаторларни (автоклав) ўрнатиш учун хоналарга бўлган талаблар	24
10. Форвакуумли стерилизаторлар ишлаш сифатини назорат қилишга бўлган талаблар	24
11. Стерилизация марказида хирургик чойшабларини ювишга бўлган талаблар	26
12. Стерилизация марказида тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитларига бўлган гигиеник талаблар	28
14. Стерилизация маркази хоналари, ускуналари ва инвентарларга бўлган талаблар	28
1-илова. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация маркази асосий хоналарини табiiй, сунъий ва аралаш ёритишга бўлган меъёр кўрсаткичлари	30
2-илова. Тиббий асбоб-анжомлар ва буюмларни стерилизация маркази хоналарининг уларининг функционал вазифаси ва тозалик синфига боғлиқ ҳолда ҳаво муҳитида бактериал ифлосланиш йўл қўйиладиган даражалари	31

